Б.М. Бозоров,
стажёр-тадқиқотчи-изланувчи,
ТДИУ

# МЕҲНАТ БОЗОРИДА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Охирги ўн йилликда эконометрика илмий фан сифатида тез суръатларда ривожланиб бормоқда. Эконометрик методларни қўллаш бўйича тадқиқотлар ва мақолалар сони ҳам ошиб бормоқда. Эконометрикани бутун дунё тан олишини ушбу соҳа бўйича машҳур илмий ишларни бажарган олимлар: Р. Фриш, Я. Тинберг, Л. Клейн, Т. Хаавельмо, Дж. Хекман ва Д. Макфадденлар иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти билан тақдирланганларини эътироф этишимиз мумкин.

Иқтисодиёт тили математика тилида шаклланиб бормоқда, иқтисодиётни эса тез-тез математикалашган фанларнинг бири дея атамоқдалар.

Замонавий иқтисодий фаннинг муваффақияти иқтисодчиларнинг олий касбий таълимига янги талабларида акс этади. РФА ИМТМ (ЦЭМИ РАН) директори академик В. Л. Макаровнинг таъкидлашича – ***Замонавий иқтисодиёт фани, учта йирик арқонда туради: макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт ва эконометрика***. Марказлашган режали иқтисодиёт даврида асосий урғу баланс ва оптималлаштириш усулларига берилган бўлса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида эса эконометрик усулларнинг роли ортиб бормоқда.

Меҳнат – ишлаб чиқаришнинг асосий омилларидан бири экан, меҳнат бозори бозор иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай бозорнинг шаклланиш механизмининг бошланғич тушунчаси талаб ва таклифдир. Меҳнат бозорида таклиф ишчи кучидан ташкил топса, талабни тақдим этувчи сифатида иш берувчилар чиқади. Ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги рақобат – меҳнат бозоридаги рақобатбардошликни акс этади.

Иқтисодиётнинг асосий вазифаларидан бири рақобатбардош меҳнат бозорини ташкил этиш. Шундай экан, энг аввало, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш лозим.

Меҳнат бозоридаги рақобатбардошликка бағишланган илмий тадқиқот ишларида бозор муносабатларининг янги шароитлари ва омиллари, хўжалик юритиш ва меҳнат муносабатларининг замонавий шакллари, бозордаги талаб ва таклифни тартибга солувчи асосий омил ҳисобланган иш ҳақи динамикаси, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш шарт-шароитлари ўз ифодасини топмаган. Ҳозирги даврда бутун таълим тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши, ишлаб турган таълим муассасаларининг янги йўналишга солиниши ҳамда янги шароитлар ва замонавий технологияларда ишлай оладиган мутахассислар тайёрлаш учун янги ўқув юртлари, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари, бизнес мактаблар ва махсус ўқув юртлари ташкил этилиши натижасида Ўзбекистон меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар етишиб чиқмоқда. Шу боисдан ҳам

кадрлар тайёрлашнинг янги шароитларга мувофиқ келадиган услубиётини ишлаб чиқиш зарур.

Ечилиши лозим бўлган асосий муаммолар-ишчи кучига бўлган талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш, меҳнатга лаёқатли аҳоли малакаси, рақобат қобилияти ва сафарбарлигини ошириш ҳамда унинг кучли ижтимоий ҳимояланишини таъминлашдир.

Ушбу муаммоларни ечиш, бизнинг фикримизча, қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- иқтисодиётда таркибий ўзгаришларга эришиш;
- ёлланма ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш;
- ўқув юртлари ва бандлик хизматлари фаолиятини яхшилаш;
- барча хил ва турдаги таълим муассасаларида юқори мутахассислар тайёрлаш учун узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш;
- давлат ва ижтимоий муассасаларнинг касбга йўналтириш бўйича фаолиятини такомиллаштириш. Бунда касб танлашнинг бозор эҳтиёжлари ва имкониятларини эътиборга олиш зарур, токи ҳар бир шахс ўзига мос касбни эгаллай олсин;
- кадрлар тайёрлаш истеъмолчилари - корхоналар, муассасалар, фирмалар, ҳиссадорлик жамиятлари, банклар ва бошқа тузилмаларнинг имкониятларидан, биринчи навбатда, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари ва олий ўқув юртларининг моддий ва маънавий асосини мустаҳкамлаш учун мумкин қадар кенгроқ фойдаланиш;
- бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларнинг “очиқлиги” ва шу каби чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

Республикамизда сифатли рақобатбардош мутахассисларнинг ортиши иш берувчиларда ушбу мутахассисларга талаб ошади. Ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш аҳолининг оқилона бандлигига олиб келади.

Меҳнат бозори, мураккаб эҳтимоллар динамик тизимига кирувчи, ишчи кучининг товар сифатида шаклланиши, такомилланиши ва фойдаланиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимининг умумий кўринишидир. Бундай тизимларни ўрганишнинг асосий усули эконометрик моделлаштириш усули, яъни моделлар тузиш ва фойдаланишга қаратилган назарий ва амалий жараёнлар усули. Шу билан бирга моделлар орқали мавжуд объект (жараён)нинг бирор тилда ёзилган таърифини ёки моддий шаклини асл кўринишини тушунамиз.

Эконометрик моделлаштириш орқали меҳнат бозоридаги рақобатбардошликни ошириш истиқболини баҳолаш мумкин. Эконометрик моделлаштиришнинг объекти сифатида меҳнат бозоридаги рақобатбардошлик етарлича мураккаб ва янги жараёндир. Меҳнат бозоридаги рақобатбардошликни ўрганишда аниқ муаммолар доираси жуда кенг, ҳаттоки, унинг тўлиқ кўринишини таърифлаш алоҳида тадқиқот ишига мавзу бўла олади.

Шундай бўлса ҳам, асосий вазифаларни ечишда эконометрик моделлаштириш асбобларидан фойдаланиш мумкин бўлган доирада кўриб чиқилган.

Шунингдек, унинг самарали фаолиятида эконометрик моделлар комплекси ёрдамида аҳолининг оқилона бандлигини шакллантириш ва ишсизликни камайтириш бўйича аниқланган чора-тадбирлар ҳам муҳим ўрин тутади[1].

Эконометрик моделлаштириш натижасида ишчи кучига талаб ва таклиф, ишчи кучининг рақобат қобилияти, аҳолини оқилона бандлиги шаклланиши ва ишсизлик камайишининг энг мақбул вариантлари аниқланади. Улар меҳнат бозоридаги рақобатбардошликнинг асосий рационал кўрсаткичлари ҳисобланади.

Меҳнат бозоридаги рақобатбардошликни моделлаштиришда уни ташкил этувчиларни алоҳида сегментларга ажратиб ўрганиш мумкин.




Расм. **Меҳнат бозорининг асосий сегментлари таркиби.**

Меҳнат бозорини тадқиқ этишда унинг таркибий тузилишини сегментлаш услубиёти бир қатор олимларнинг илмий ишларида баён қилинган. Бироқ мазкур тадқиқотларда ишчи кучининг фақат талаб сегментлари

[1] Холмўминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти. -Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004, 99-б.

ёритилганлиги сабабли ушбу бозорнинг бошқа қисмларини алоҳида тизимлар сифатида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

**Ишчи кучи таклифини шакллантирувчи сегмент** қуйидаги таркибий қисмларга бўлинади: биринчи бор иш қидирувчилар, ишдан бўшаб чиққан ходимлар, ҳарбий хизматдан захирага бўшатилганлар ва рақобатбардош бўлмаган иш қидирувчилар.

**Меҳнат бозорини ташкил этувчи сегментларда** бандлик муассасалари таркибига давлат идоралари билан бир қаторда тадбиркорлар ва бошқа субъектлар киради. Касбга йўналтириш муассасалари сегменти таркибида малака ошириш ва қайта ўқитиш муассасалари, бизнес мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларини киритиш мумкин. Иш билан таъминлашишга кўмаклашиш жамғармасига аҳолини иш билан таъминлаш фаолиятини юритаётган нодавлат ташкилотлари киради.

**Меҳнат бозоридаги ишчи кучига талаб сегментларини** тадқиқ қилишда мазкур вилоят ҳудудидаги барча тармоқ ва соҳа корхоналарини иқтисодий тавсифидан келиб чиқиб, шартли равишда қуйидаги тўртта секторга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. **Қишлоқ хўжалиги сектори.** Мулкчиликнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланадиган барча туридаги хўжаликлар шу секторда мужассамлашган. Мазкур секторга фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва бошқалар тааллуқли бўлади.

2. **Ишлаб чиқариш сектори.** Ушбу секторда иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторидаги қишлоқ хўжалги маҳсулотларидан ташқари барча ишлаб чиқариш корхоналари ўрин олган.

3. **Хизмат кўрсатиш сектори.** Ҳудуддаги барча корхона ва хўжаликлар учун хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган ташкилот ва муассасалар мазкур секторда жамланган. Хусусан, уларга транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш шохобчалари, коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари, банк, лизинг, аудит, ахборот ва бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари киради. Ушбу сектор бюджетдан таъминланадиган давлат бошқаруви идоралари, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият каби ташкилотларни ҳам ўз ичига олади.

4. **Шахсий меҳнат фаолияти сектори.** Бу секторга меҳнат бозорида ишчи кучи таклифини шакллантирувчи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, уй хўжалиги билан шуғулланувчилар киради.

Меҳнат бозорининг ишчи кучига талаб ва таклиф сегментлари ҳудуддаги иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида мулкчилик шакли турлича бўлган корхона ва хўжаликларнинг ишлаб чиқариш фаолияти, мазкур тизимга хорижий инвестициялар кириб келиши, хизмат кўрсатиш тармоғининг ривожланиши ва тадбиркорликнинг бошқа соҳаларидаги сифат ўзгаришлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётга бевосита таъсир кўрсатишини асослаб беради.

Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида Ўзбекистон шароитида экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишчи кучига талабнинг камайиши сабабли ҳудудий меҳнат бозорларида олий маълумотли ва

етарлича малакали мутахассислар рақобатбардошлигининг ошиши кўзга ташланмоқда. Аммо ёш кадрларнинг рақобат қобилияти етарлича эмас. Меҳнат бозоридаги ёш кадрларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун уларда киришимликни, ўз кучига ишонувчанликни ҳамда иш қидиришнинг янги йўлларини ўзлаштиришни ошириш лозим.

Меҳнат бозори бу бозор иқтисодиёти назариясида ишчи кучига талаб ва таклифнинг мувозанатдаги нарх ёрдамида тартибга солиниши унинг бошқа турлари билан бир қаторга қўяди. Шу билан бирга мазкур тизим бозорнинг бошқа барча тузилмалари билан узвий боғланган. Меҳнат бозоридаги меҳнатнинг сифати ва миқдорига қараб, унинг “нархи”, яъни иш ҳақи белгиланиши худди товар ёки ресурслар бозоридаги каби аниқланади. Шу боисдан ҳам меҳнат қобилиятига эга бўлган ишчи кучи унинг нархини белгиловчи сифат кўрсаткичларига, яъни жисмоний, ақлий ва касбий қобилиятлар тўпламига эга бўлиши керак. Ишлаб чиқариш жараёнига бу қобилиятларни татбиқ эта туриб, у ўз истеъмол сифатларини йўқотмаслиги учун доимо қайта ишлаб чиқарилиши лозим. Чунки мазкур бозорда ҳам иш ўринлари учун рақобат мавжуд бўлади. Меҳнат бозорида рақобат, ходимнинг меҳнат қобилиятини ривожлантирувчи ва кенгайтирувчи асосий омил сифатида майдонга чиқади. Меҳнат бозори бандлик динамикаси, унинг таркибидаги асосий тенденцияларни, ишчи кучининг мослашувчанлиги, ишсизлик кўлами ва ўсиш суръатини акс эттиради.

Жаҳон миқёсида глобаллашув ва иқтисодий интеграция жараёнлари жадал ривожланиши, унинг иқтисодий хўжалигида ахборот-коммуникация ва алоқа воситалари кескин ривожланиши фан-техника тараққиёти натижаларининг барча соҳаларига таъсири билан изоҳланади. Меҳнат бозоридаги жисмоний ва ақлий меҳнатга бўлган талаб ҳамда унинг таклифи ҳам янги ва замонавий воситалар таъсирида ўзгармоқда, чунончи, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва автоматлаштириш механизациялаш, ахборот ва алоқа-телекоммуникация технологияларининг кенгайиши, internet кабилар натижасида меҳнат мазмунининг мунтазам ўзгариши содир бўлмоқда.

Тарихий ривожланиш шуни кўрсатмоқдаки, фан-техника тараққиёти меҳнат самарадорлиги ўсишига, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, аҳолининг самарали банд бўлишига ва шу асосда, жамият аъзолари турмуш даражаси ошишига жиддий таъсир кўрсатади. Бугунги кунда, айниқса, “хўжаликни бошқаришнинг барча даражаларида замонавий электрон ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш асосида иқтисодий-математик усулларни татбиқ этиш...”[2] ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Шундай бўлсада, иқтисодий жараёнларнинг илмий талқин этилиши ва макроиқтисодий кўрсаткичларни аниқ истиқболлаштиришда замонавий фан ютуқларига шубҳа билан ёндашаётган мутахассисларнинг қарашлари ҳам мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Улар, жумладан, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни истиқболлаштириш, унинг методологиясини ва эконометрик

[2] Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. – Т.: Меҳнат, 2004, 62-б.

ёндашувларини инкор этиш мақсадида айрим олимларнинг бу борадаги фикрларини ва оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларини далил сифатида келтиришади. Ушбу “далил”ларни танқидий баён этиш билан бир қаторда эконометриканинг иқтисодий таълимотдаги заруратини асословчи фикрларини ҳам келтириб ўтамиз: “Кўпчилик инсонлар маслаҳат олиш учун иқтисодий истиқболлаштиришга эътибор қаратишади. Бунда фақат битта муаммо мавжуд: келгусида иқтисодиётнинг ривожланиш йўналишини башоратлаш кучаймоқда, компьютерлар қуввати ошмоқда ва ахборот тўплаш ниҳоятда тез ривожланмоқда, аммо шунга қарамай бу жараёнларнинг натижалари сезиларли эмас. Иқтисодчиларнинг иқтисодий циклларни, айниқса, иқтисодий инқироз ва бандликнинг асосий ўзгаришларини ифодаловчи ўртача истиқбол кўрсаткичлари энг аҳамиятсиз даражада”.

АҚШдаги обрўли оммавий ахборот воситаларидан бири ҳисобланган “Businessweek” журналида билдирилган фикр истиқболлаштириш кишилик жамиятида муҳим ўринга эга эканлигини тасдиқлайди, истиқбол кўрсаткичларини аниқлашда эса эконометрик усул ва воситалардан бошқа аниқроқ қуролни топиш мушкул. Ушбу ёндашув замирида муаммога софистик қараш ҳам мужассам бўлиб, эконометрик тадқиқотлар иқтисодий ривожланиш қонуниятларини яна бир бор тасдиқлаш ёки уларни инкор қилиш учун эмас, балки омил келгусидаги миқдорий ўзгариши натижасида ўрганилаётган объектнинг ҳақиқий даражаси қанчага етиши мумкинлиги тўғрисида олдиндан ахборот олиш имконини яратади.

Худди шундай яна бир қарашни танқидий баҳолаш мумкин: “1995 йил билан 2000 йил ўртасида ялпи ички маҳсулот бўйича истиқбол кўрсаткичи ҳақиқий даражадан 2 фоизга фарқланди, ишсизлик даражаси эса ҳақиқатдагидан 0,5 фоизга кўпроқ истиқболлаштирилган. Айрим иқтисодчилар шу даврдаги натижалар таҳлил қилинганда ҳам ялпи ички маҳсулот, меҳнат бозори ва инфляция даражаларининг пессимистик ўсиши юзасидан билдирган фикрлари унчалик оқланмади”.

Фикримизча, иқтисодий кўрсаткичларни башоратлаш натижасида олинган натижалар бўйича бундай тафовут мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва ривожланишига жиддий таъсир этиши мумкин, аммо иқтисодий жараёнлар башоратининг тадқиқ қилиш аҳамиятини сира ҳам пасайтирмайди. Аксинча, жаҳон миқёсида глобаллашув ва интеграция жадал ривожланаётган ҳозирги даврда иқтисодий ривожланиш тенденцияларини илмий асосда олдиндан аниқлаш янада долзарб бўлиб қолмоқда. Хусусан, АҚШ журналларидан бири томонидан мамлакатнинг 500 та йирик фирмаларида ўтказилган сўровнома натижалари иқтисодий-математик моделлардан ва усуллардан амалиётда кенг фойдаланилаётганини тасдиқлайди: 98,4 фоизи математик-статистик таҳлил, 87,1 фоизи имитацион моделлаштириш, 74,2 фоизи тармоқли режалаш, 74,2 фоизи чизиқли дастурлаш, 59,7 фоизи оммавий хизмат ва кутиш назарияси, 46,8 фоизи чизиқсиз дастурлаш, 29,7 фоизи

динамик дастурлашдан мунтазам фойдаланишларини кўрсатган[3]. Энг кам тарқалган усул сифатида ўйинлар назарияси (20,6 фоиз) тилга олинган.

Р.Бэкон таъкидлаганидек, математикага беписандлик билан қараш “... 300 ёки 400 йил давомида лотинларда ҳар қандай билимларни барбод қилди, ўзига хос “рақобатчилар” ҳисобланган ислом мамлакатлари эса бу даврда фан-техникани ривожлантиришда сезиларли ютуқларга эришди”[4]. Ҳақиқатда ҳам, Ғарб уйғониш давридан анча илгари ислом дини ривожланган давлатларда математикадан ҳаётнинг турли соҳаларида кенг фойдаланилгани шарқ олимлари Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ал-Фарғоний ва бошқаларнинг асарлари, яратган асбоб-ускуналари ва қурилмаларидан маълум.

Баъзи иқтисодчи ва мутахассислар иқтисодий тизимга таъсир этиш мақсадида, у ёки бу иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларни башоратлаш, шу жумладан, меҳнат бозори билан боғлиқ кўрсаткичларнинг келгусидаги параметрларини аниқлашнинг илмий негизи ва натижаларини инкор этишга ҳаракат қилишади. Мазкур оқим тарафдорларига тегишли айрим фикрларни келтирган ҳолда уларнинг илмий дунёқараши танқидий баҳоланишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Австрия иқтисодчилари мактаби вакилларининг ҳодиса ва жараёнларни билишда эконометрик ёндашувни инкор этиш тўғрисидага барча танқидий қарашлари асоссиз эканлигини XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида барқарор иқтисодий ўсишга эришаётган Европа Иттифоқи мамлакатлари, Жануби-шарқий Осиёдаги айрим мамлакатлар, Япония ва бошқа давлатларнинг ютуқлари ҳам тасдиқлайди. Иқтисодий тебранишлар ва ўзгаришлар даврида истиқбол кўрсаткичларни аниқлашда математик аппаратларни, математик-статистик усулларни яхши эгаллаш ва амалиётда қўллашга ривожланган **Ғарб мамлакатларида иқтисодий таълимотнинг стандарти** сифатида қаралмоқда.

Меҳнат бозоридаги рақобатбардошликни моделлаштириш моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни иқтисодиёт соҳалари ва минтақалар бўйича самарали йўналтириш, ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланган оммавий ишсизликнинг олдини олиш, банд бўлмаган аҳоли ва ёшларни касбга йўналтириш каби қарорлар қабул қилишда муҳим аҳборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Айниқса, миллий иқтисодиётда бозор муносабатларининг қарор топиши учун мулкий-таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикаси учун ушбу кўрсаткичлар меҳнат бозорини тартибга солиш ва унинг самарали фаолиятини таъминлашда муҳим амалий аҳамиятга эга.

[3] Владимирова Л.П. Прогнозирование и планирование в условиях рынка труда. – М.: Дашков и К°. 2005, - 8-с.
[4] Раяцкас Р.Л., Плакунов М.К., Количественный анализ в экономике. – М.: Наука, 1987, - 20-с.